

Шоҳир Малик

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

САВОҲИЛ * СҮНГИ ҮК



ТОҲИР МАЛИК

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Учинчи жилд

Қиссалар

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2006

Муҳаррир
МуроД МАНСУР

Малик, Тоҳир.

Танланган асарлар: Учинчи жилд. Қиссалар: Савоҳил; Сўнги ўқ. — Т.: «Шарқ», 2006 — 448 б.

Мазкур китобга ёзувчининг икки киссаси жамланди «Савоҳил» ва «Сўнги ўқ» асарлари маълум маънода бир бирини тулдиради. Уларда уқтабр тунтаришидан кейин халқимиз бошига тушган фожиалар қаламга олинган.

ББК. 84. |5У| 6.

САВОҲИЛ

«Қайси миллат орасинда бирлик кутарилиб, нифоқ ва адоват ҳукм сурган бўлса, ул қавмнинг инқироз дунёсига юзлангани аниқдир. Булар шунни фаҳмамайдиларми?»

«Дилдаги адоват темирдаги зангга ўхшайди. Занг темирни егани каби, адоват Ватанни азобга солади. Одамлар наҳот адоватдан нари бўла олмасалар?...»

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

— Баҳоржон, кела қол, унғ қанотимга ўтир, бизларга илҳақ жойларга учайлик. Совуқни қувайлик, ерни уйғотайлик.

— Офтобжон, кела қол, сен чап қанотимга утир. Қишнинг музларини эритиб ташла, ерни азоблардан узинг қутқар.

Қалдирғоч шундай дер экану бир қанотига офтобни, бир қанотига баҳорни ўтқазиб учаркан. Қиш буйи ўлимтик ҳолга тушган дов-дарахтларни уйғотаркан, муздан қутулган тупроқ яйраб нафас оларкан. Одамлар шод-хуррамлик билан иш бошлар эканлар.

Кунларнинг бирида қалдирғоч учиб юриб, илоннинг арига айтаётган гапини эшитиб қолибди:

— Мен ҳаммадан кучлиман, мендан барча кўрқади. Демак, мен энг ширин таомларни тановул қилишим керак. Сен ер юзидаги бор жониворларнинг гўштини татиб кўр, энг ширинини менга келиб айтасан.

Ари, «хўп бўлади», деб учибди, қалдирғоч эса унинг изига тушибди. Ари барча жониворларни татиб кўрибди — ёқмабди. Охири пичан гарами ёнида уйнаётган болани чақибди-да, озгина гўштини узиб олибди. Шу гўшт унга маъқул келиб, илон ҳузурига ошиқибди.

Қалдирғоч ҳадемай унга етиб олибди-да, арининг оғзидаги гўшт бўлакчасини чўқибди. Гўштга қўшиб арининг тилини ҳам узибди.

Ари илон ҳузурига келгач, нуқул гўнғиллармиш.

— Гапир, айтган ишимни бажардингми? — дебди илон.

— Бажарди, бажарди, — дебди қалдирғоч, — у энг ширин гўшт — қурбақаники, деяпти.

Шу-шу илон қурбақага қирон келтира берибди.

Кунларнинг бирида илон қалдирғочнинг найрангини англабди-ю, ёвлашиб, уни ҳам тинч қуймайдиган бўлибди...

(Ўзбек халқ эртакларидан)

Кунгил, сен бунчалар нега
Кишанлар билан душлашдинг?
Абдулхамид Чулпон.

Биринчи қисм

ИККИ ҚИРҒОҚ

І б о б

ОҚ ФОТИХА

1

Асадулла қалдирғочларнинг беҳос қаттиқ чирқиллашидан уйғониб кетди. Ёстиққа тирсагини тираб қаддини кутарди-да, дераза оша ташқарига қаради. Девор томонда ётган Ҳожияхон ҳам уйғонди:

— Нима бўлди уларга? — деди у, зрига хавотир кузи билан қараб.

— Қарай-чи...

Асадулла айвонга чиқди-ю, шифтда осилиб турган илонни кўрди. Йўғонлиги уч яшар боланинг билагидек келадиган илон тилларини чиқариб қалдирғоч инига бош суқмоқчи булар, икки қалдирғоч эса унга ҳамла қилганча тинмай чирқиларди. Асадулла қарсак уриб, «ҳайт-ҳайт»лаб илонни чучитмоқчи бўлди. Илон бунга парво қилмагач, ҳовлига тушиб, узун тол ёғочни қўлига олди.

— Ҳай, ҳай, дадаси, ўлдириб қўйманг тагин, — деди уйдан шошилиб чиққан Ҳожияхон.

Асадулла ёғочни кутариб, илонни четга сурди. Илон ёғоч билан бир оз олишган бўлди-да, ишга одам аралашганига фаҳми етибми, тоқилар орасидаги тешикка кириб кетди.

Қалдирғочлар хавф бартараф бўлганига ишонқи-рамай инлари атрофида пича учиб юришди.

— Илон боёқишларга ҳеч бир тинчлик бермади-да, қачон қарасанг шу ерда. Булар ҳам инларини кучира қолишмайди.

— Соддасан-да... инларини кўчирса илон топиб бо-
ролмайдими?

Асадулла то қадирғочлар тинмагунча жойидан жил-
мади. Қушлар инга кирганларидан кейин ҳам дам-
бадам бошларини чиқариб, жонсарак қараб қўйишар-
ди.

«Биз ҳам шуларга ухшаб қолдик.» деб уйлади Аса-
дулла. Узига шундай дейишга деди-ю, кунгли оғриди.
Хуррият худди шу беозор қушлар мисол қанотларида
озодлик, эркинлик, бахтни олиб келиб гўё халққа инъом
қилгандай эди. Шу кунларга етишишни орзу қилган,
курашган, ҳатто умрининг бир қисмини Сибирь урмон-
ларига ташлаб келган Асадулла «илон»ларнинг қилми-
шини ҳисобга олмаган экан. «Баҳор келди, вассалом,
олам чароғон бўлажак», деб кунглини шодлаган экан.
Баҳорнинг аямажузлари, ер-кўкни ларзага солувчи мо-
магулдираклари, йўлида учраган барча нарсаларни си-
дириб кетувчи селлари, дуллари борлигини мулоҳаза
қилмаган экан.

Икки йилдан бери кун надир, тун надир, ажратиш
маҳол. Офтобдан қурққан, совуқ тунда урмалаб келиб
очилажак куртакларни бўғиб кетгани каби ўзларини
эркпарвар дегувчилар, пинҳона курашларини авж ол-
дирар эдилар. Ярадор ваҳший ҳеч нимадан тап торт-
майди, жонзот учун янада хавfli бўлиб қолади.

Замоннинг ўйинлари ажабтовур. Икки йил муқад-
дам булар овзидан инқилоб сузи тушмас эди. Баъзан,
«буларнинг танглайини «инқилоб» деб кутарганми»,
дегинг келарди.

Асадулла бунга ўткинчи ҳол деб янглишган экан.
Ҳа, қаттиқ янглишган экан. Хуррият сўқмоқларида
аччиқ-чучукни, иссиқ-совуқни татиган одам учун бу
янглишиш кечирилмас ҳол эди.

Эркпарвар либосидагилар жодугар каби турли
кўринишга киради: илонга айланиб қуш уясига бош
сўқмоқчи бўлади, тулкига айланиб макр ишлатади,
бурига айланиб кўққисдан ҳамла қилади... Асадулла
буларнинг ҳаммасига ўзи шоҳид бўлди. Қўқонда би-
қинини ўқ тешиб ўтганда ҳам, Тошкентнинг таҳли-
кали тунини кунга улаганда ҳам, биродарларини ўз
қули билан тушроққа қўйганда, Туркистон Марказий
ижроқўмидаги мажлисларда ноҳақдан-ноҳақ айблаган-
ларида ҳам уша «жодугар»нинг нафасини ҳис қилиб
турарди. «Шерни отсанг бўрига айланади, бурини

нишонга ололсанг у тулкига, сўнг тулки қуёнга, қуён бургутга айланиб кўз илғамас баландликка учади. Уқинг етиб уни маҳв этса тухум ажралади, тухумни пойлай олсанг, ундан игна чиқади-ю, денгиз тубига чуқади. Жодутарнинг жони шу игнада. Уни топиб синдирсанг — жодутардан қутуласан...» Асадулла ўша игнани тополмай гаранг эди. «Дўст макридан ўзинг асра, ванимни бартараф этмоққа қурбим етарли», дейишади. Эркпарварларнинг аксари дўст либосида юргани Асадуллага маълум. Лекин уларни қандай ошкор этиш мумкинлиги номаълум эди. Туркижроқўмнинг мажлисларида баъзан улар пушт ташлаб қолай дердилару, аммо усталик қилиб, ниқобларига уралиб олардилар.

Асадулла ҳозир айвон устунига суянганича, қалдирғоч уясига қараб шуларни уйларди. Бу уйлар беҳос уйғонмади, йўқ, бунга қалдирғоч уясига ҳамла қилган илон ҳам сабаб эмас. Кечаги Хуррият уйида бўлган мажлис унинг хотираларини, хаёлларини тузитиб юборди.

Туркистон Марказий ижроия қўмитаси бугун асосан Фарғона водийсидаги аҳволни муҳокама қилиши керак эди. Бухоролик ва афғонистонлик олий зотлардан бир қанчасининг водийда юргани, майда қўрбошиларни бирлаштиришга ҳаракат қилаётгани ҳақида дарак топишгач, Асадулла воқеани ойдинлаштириш учун Қўқонга борган эди. Афғон «элчи»лари қўлга олинганини билиб, Қўқонда узоқ қолмай, Андижонга жўнади. Шаҳар ЧКсида унга тўрт басавлат, серсоқол афғонни рўпара қилдилар. Аввалига суҳбатлари қовушмади. Улар, «чустлик тожиклармиз», деб туриб олдилар. Чустлик тожиклар ўзбекчани сувдай билардилар, шунинг учун Асадулла уларга ўзбекча гапирди. Жавоб ололмагандан сўнг яна форсчага ўтди. Афғонлар қайсарликларини давом эттиравергач, у Афғонистонда амир Ҳабибуллахон ўлдирилгани, унинг ўрнига Омонуллохон ҳукмдор бўлганини айтди. Шунда соқолига оқ оралаган афғон беихтиёр:

— Ё Оллоҳ, ёлғонни ўзинг кечир, — деб юборди.

Асадулла амир Омонуллохоннинг Масковга мактуб йўлагани, бу мактубни форсидан русчага ўзи таржима қилганини айтганда ҳам афғонлардан садо чиқмади.

— Маҳмудбек Тарзини биларсизлар, ахир? — деди Асадулла тоқати тоқ бўлиб.

— Сардор Тарзими? Омонulloхоннинг падарзани¹, — деди соқолига оқ оралаган афғон совуқ оҳангда.

— Шу одам ҳорижия нозири бўлибди. Амир Афғонистонни буткул мустақил, ўзгаларга қарам эмас, деб юртга омонлик берибди.

Бу гапни эшитиб, афғонлар бир-бирларига савол назари билан қараб олдилар. Шундан кейингина улар амир Ҳабибуллохон истаги билан бу ерларга келганликлари, вазифалари барча қўрбошиларни Мадаминбек қанотига тўплаш ишида ҳамкорлик эканини айтдилар.

Асадулла мажлис аҳлига шуларни баён қилгач, мунозара узоқ чўзилди. Водийдаги аҳвол хавотирли эди. Жиддий муҳокамага, алқисса, жиддий ҳаракатларга муҳтож эди Мажлиснинг чўзилиши шундан.

Муҳокама якунлангач, барча учун кутилмаганда ташқи ишлар халқ нозири сўз олиб, кун тартибига яна бир масалани киритишни таклиф қилди.

— Апрель ойида Термиз қалъасига икки афғон келиб, амирнинг муҳим мактубини топширган. Термизлик уртоқлар дрезинада йўлга чиқиб, бу мактубни бизга етказдилар. Уртоқ Асадулла Мираъламов иштирокида мактубни русчага таржима қилдик. Афғонистоннинг янги амири Москвага мурожаат этиб, дўстлик алоқаларини ўрнатишни сўраган. Сизларга шуни маълум қиламанки, Шўролар ҳукумати бир йил аввал Афғонистон амирига шу масалада мурожаат этган эди. Биз янги амирнинг мактубини радиотелеграф орқали Москвага узатган эдик. Бугун жавоб олдик. Москва зудлик билан дипломатик гуруҳ ташкил этиб, Афғонистонга юборишимизни сўраяпти. Москва—Тошкент йўли берк булгани сабабли РСФСРнинг вақтинча элчиси ҳам шу ерда тайин қилиниши керак. Биз бу вазифага Николай Захарович Хмарин номзодини тасдиқлашни РСФСР ҳукуматидан илтимос қилмоқчимиз.

— Хмарин? Ким экан у? — деди утирганлардан бири.

Халқ нозири қоғозлар орасидан кераклисини танлаб, номзодни таништира бошлади. Асадулланинг қулоғи унда, хаёли эса апрель ойидаги учрашувда эди.

¹ Кайнота.

У Хмарин билан бир марта учрашган, бу кибор дипломат унда нохуш таассурот уйвотган эди.

Хмариннинг кўп йиллар давомида император элчиси сифатида Эронда хизмат қилгани мажлис аҳлини уйлантириб қўйди. Бу одамга ишониб мумкинми ё йўқми, ҳеч ким билмас эди. Шу сабабли номзод дарров тасдиқланмай, мунозарага сабаб бўлди.

— Сиз унга кафилик бера оласизми? — деб сўради мажлис раиси мунозарага яқун ясаш мақсадида.

— Кафилик берсам, бермасам, дипломатия ишларидан хабардор бошқа одамимиз йўқ. Унинг қимлигини РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлигида мендан яхшироқ билишади. Номзод маъқул келса тасдиқлашади. Булмаса йўқ. РСФСР элчисининг биринчи ўринбосари, айни пайтда Туркистон жумҳуриятининг элчиси вазифасига биз ўртоқ Мираъламов номзодини курсатмоқчимиз.

Асадулла янглиш эшитмадиммикан, дегандай ҳайрон бўлиб нозирга қаради.

— Менми? — деди у қулоқларига ишонмай.

— Ҳа, сиз, ўртоқ Мираъламов, нимага ажабланысиз? Амирнинг амакиваччаси Исоқхон билан боришни таклиф этганимизда рад этмаган эдингиз?

— Унда... амирга хат олиб боришимиз керак эди. Элчилик... умримда қилмаган ишим...

— Мен ҳам умримда нозирлик қилмаганман. Булар ҳам...

— Ўртоқлар, тушунинглар, ахир бу жиддий масъулиятли иш.

— Шунинг учун ҳам сизнинг номзодингизда тўхталдик.

Асадулла бош чайқади-ю, аммо эътироз билдирмади. Нозир бундан мамнун бўлиб, гапини давом эттирди.

— Элчининг ҳарбий маслаҳатчиси қилиб ўртоқ Шувалов номзодини курсатамиз. Оренбург инқилобий ҳаракатининг фаолларидан. Дутовга қарши жангларда қатнашган, синалган ўртоқ.

— Собиқ полициячими?

— Полицияда большевикларнинг топшириғи билан ишлаган, — деди нозир кескин оҳангда.

Бошқа савол тушмай, номзод маъқулланди.

— Элчининг яна бир ўринбосарлигига ўртоқ Ушинский номзоди...



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4731> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4731> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4731>